

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Хива шахри«14» Июль 2022

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Хива туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан низом асосида иш юритувчи, раҳбари А.Матмуротов бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Xiva Yo'llardan Foydalanish UK номидан низом асосида иш юритувчи раҳбари А.Саидов иккинчи томондан Хива тумани Журён махалласи Пахта хирмон кучаси ички хужалик йулини - 1,473 км ни жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини тұздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада күйидаги таърифлар кулланилади;

-**ижро хужжатлари** – натурада бажарилған ишлар ёки ишларни бажариш учун мастьул булған шахслар томонидан уларга киритилған узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатылған асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кулланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдикланғанлығы тугрисидаги далолатномалар, айрим мастьулиятли конструкциялар оралиқ даврда кабул килиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж килинған асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари хамда курилиш нормалари ва коидаларидан назарда тутилған бошка хужжатлар;

-**курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилған ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб күйилди ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб күйилади;

-**вактнинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатыладиган ва ишларни бажариш учун зарур булған ҳар кандай типдаги вактнинчалик бинолар ва иншоотлар;

-**беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилғандан кейин аниклаш мүмкін булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

-**шартнома нархини булиб чикиш** – ишларнинг ҳар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома буйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик **Хива тумани Журён махалласи Пахта хирмон кучаси ички хужалик йулини - 1,473 км** кузда тутилған лойиха буйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратып, уларни кабул килиш ва толовни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БҮЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар киймати барча соликлар, йигимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини уз ичига олған холда жорий нархларда **225 100 000 (Икки юз йигирма беш миллион бир юз минг) сүмни 15% ҚҚС** билан ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта куриб чикилиши мүмкін эмас, күйидаги холлар бундан мустасно:

- курилиш кийматини купайтиришга енгіб булмайдыган күч (форс-мажор) холатлари сабаб булғанда;
- ишлар киймати Буюртмачи томонидан узгартырылғанда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортиқ муддатта узгартырылғанда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ булғанда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларидан белгиланған тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд булғанда, санаб утилған узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага күшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилған ишларни бажариш учун:

-барча ишларни мазкур шартномада хамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилған хажмда ва муддатларда узининг кучлари ёки жалб килинған кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
 - курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;
 - Буюртмачини субпудратчилаар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;
 - курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;
 - курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;
 - мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бушатиш;
 - курилиш майдони курикланишини таъминлаш;
 - курилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим киласди.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган узининг 20% га teng булган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблагларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тулик хажмда тақдим киласди.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларнинг уз кучлари билан ва субпудратчилаар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради.

V. БЮРДАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача булган даврга далолатнома буйича Пудратчига бериш;
 - ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;
 - Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чикиш ва карор кабул килиш;
 - молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
 - Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;
12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкий жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолагандан ва Фазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик кучга киради.

14.Пудратчи мазкур шартномага илова килинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Объектни 2022 йил «30» июлда фойдаланишга топширилиши белгиланади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома буйича узаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» килинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30% микдорида аванс утказади, бу 67 530 000 (Олтмиш етти миллион беш юз ўттиз минг) сумни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан максадли берилган маблаглар уч банка кунида молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб кабул килингандан кейин хакикий бажарилган ишлар кийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб колган холда молиялаштириш жадвали буйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб ракамига тушадиган маблаглар ушбу объект курилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект курилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга хак тушади, объект курилишига иштирок этётган ёрдамчи ташкилотларга тушади ва Ушбу объект курилишининг бошка харажатларига катъий сарфланади.

1. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун курилиш монтаж ишлари микдори, харажатлари тугрисидаги «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома хисоб-варак-фактурани» узи тузиб тақдим килади. Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларининг микдори, сифати ва харажатларини текшириб кабул килиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган курилиш-монтаж ишларини микдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан кабул килиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар киймати тугрисидаги маълумотнома-хисоб-варак-фактура» асос булади..

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини – техник аудиторни тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнода ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайдо булувчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-булимида курсатилган муддатлар билан мувофикаштирилган уз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганинги аникласа, у холда Пудратчи уз кучлари билан курилиш кийматини купайтирасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган заарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган холлар ва холатлар (ишларни бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни кабул килиб олиниши, утказилган синовлар, материаллар уз вактида етказиб берилмаслиги билан бөглик тухтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тугрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишини тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

31. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиг булмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиг булмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиг булмайдиган куч холатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан куп вактга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга хаклидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

34. Пудратчи:-барча ишларни тулик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатлар бажарилишини;- лойиха хужжатларига хамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

- узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материалари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига хамда техник шартларга мувофикилигини;
- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни уз вактида бартараф килишни;
- объектдан фойдаланилганда мухандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофикилигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% микдорида жарима солиш хукуқига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ.

35. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боялик булмаган сабабларга кура Пудратчи томонидан бир ойдан куп вактга кечиктирилганда;
- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга купайган холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
- Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукуқига эга.

36. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боялик булмаган сабабларга кура Буюртмачи томонидан икки ойдан ортик муддатга тухтатиб куйилганда;
- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

конун хужжатларига мувофик бошка асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукуқига эга.

37. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кушма карорига кура тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тулайди.

38. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур булим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

39. Шартнома бекор килинган тақдирда айбор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

40. Шартноманинг бир томонлами бекор килинишига йул куйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

41. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбор томон: Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси түгрисида» ги конунида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 30.12.2021 йилдаги ПФ-45-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 20.05.2021 йилдаги 321-сон бошка конун хужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни коплади.

42. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги холларда жавобгар булади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома буйича бунинг окибатида ишларни бажариш жадвалида бажарни кузда тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 0.5% микдорида пеня тулайди;
- буюртмачининг хисоб ракамига максадли молиялаштириш учун тушган пул маблагларини уч банка кунидан сабабсиз пудратчининг хисоб ракамига утказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 0.4% микдорида пеня тулайди;

3. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда курсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида куйидаги холларда мулкий жавобгар булади ва:
44. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор килишга тугри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча заарларни коплайди, амалдаги конунларда белгиланган тартиба.
45. Тамонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, жарима ва пенялари шартнома кийматининг 50% ошмаслиги керак.
46. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси буйича акцептсиз амалга оширишга хаклидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

48. Шартномани бажаришда ва бекор килишда ёки узгarterишида шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у холда улар конун хужжатларида белгиланган тартиба судга мурожат килишлари мумкин.

XV ТОМОНЛАРНИНГ КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БҮЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИ

49. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупсияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни томонлар бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу харакатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлади.
50. Томонлар коррупсияга қарши қоидалар бузилганда ёки асосли гумонлар юзага келганда дархол ёзма равишда (електрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изоҳ талаб қилиш хуқуқига эга ва мурожаатни олган томон 10 (үн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.
51. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупсион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупсион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш хуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин

XVI. АЛОХИДА ШАРТЛАР

52. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади.
53. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга булмайди.
54. Мазкур шартномага киритилган барча узгarterиши ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган булса, хакикий хисобланади.
55. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо булишига олиб келадиган хар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кушимчалар ёки узгarterишлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.
56. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида узига тегишли мол-мulkни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хак тулашни кечикиришга хаклидир.
57. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига К.К.С. тутрисида узгarterишлар киритилса кайта куриб чикилади.
58. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари кулланилади.
59. Мазкур шартнома тамонлар имзоланиб Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Газначиликдан руйхатдан утгандан кейин юридик кучга киради ва бу шартнома 31.12.2022 йилгача амал киласиди.
60. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга булиб 2 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

Xiva Yo'llardan Foydalanish UK

Манзили: Хива туман Говуккул масиви

Тел/факс: _____
х/в: 20210 000 902 632 482 001

Банк номи: Миллий банк Урганч филиали
МФО: 00547 СТИР: 201 076 477

ОКОНХ: _____



Рахбар А.Сайдов

(Signature)

БУЮРТМАЧИ:

Хива туман Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил: Хива туман Шомохулум махалласи

Тел/факс _____
х/в 100022860332267045204110004

бюджетдан маблаг олувчи СТИР и 206 943 881

ОКОНХ _____

Газначилик булинмаси номи: Молия Вазирлиги Фазначилиги
Фазна х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент шаҳри

МФО 00014 СТИР и 201 122 919

Газначилик булинмаси СТИР и 201 122 919

Рахбар А.Матмуротов

(даъвазим) (Ф.И.Ш.)



(Signature)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi:

Xiva tuman Obodonlashtirish boshqarmasi va “Xiva yo’llardan foydalanish” UK o’rtasida pudrat shartnomasi.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi Xiva tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan va markazga xuquqiy ekspertizadan o’tkazish uchun 2022 yil 13-Iyul kuni dasturga kiritilgan. (CO07067127)

Xulosa

Xiva tumani Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan ishlab chiqilgan shartnoma loyixasi O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda “xo‘jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to’g’risida”gi O’zbekiston Respublikasi qonuni talablariga muvofiq ishlab chiqilgan.

**Xiva tuman yuridik xizmat ko’rsatish
markazi bosh yuriskonsulti**



A.Hasanov

13.07.2022-yil